НАВОИЙ НОМИ БЕРИЛДИ

НАМАНГАН. Чортоқ шаҳрининг қоқ марказида Алишер Навоий номи билан янги шоҳкўча бунёд бўлди. Кўча ўртасини тилиб турган шаршара ҳам таъмирдан чиқиб, файзли шаҳар боғига соя-салқин улашмоқда. Даҳо шоиримиз шоҳкўчасига "Мингбулоқнефть"нинг янги қурилган маиший хизмат ва савдо мажмуи ҳам кўркамлик бахш этди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

"ТАФАККУР" ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

ТОШКЕНТ. Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Маънавият ва маърифат" республика жамоатчилик маркази раҳбарининг муовини, шу марказ нашри — "Тафаккур" журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзам ва таҳририят жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Олий ўқув юрти профессор ва ўқитувчилари талабалар ҳузуридаги бу суҳбатда талабалик ва маънавият масалалари юзасидан сўз юритилди.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

ДУНЁ ТАН ОЛГАН МАКТАБ

ФАРҒОНА. Ўчиш аппаратларининг чидамлилик муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли "Фарғона - — қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг физика-техника институти, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, шунингдек, Москва ҳамда Буюк Британия ва АҚШ олимлари иштирок этдилар. Бу ерда олимлар чорак асрдан буён ярим ўтказгичлар физикасининг долзарб йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. Фарғонада физиканинг шу соҳа бўйича яратилган илмий мактаби дунёда тан олинган. Анжуман иштирокчилари Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, шу соҳадаги ишлар билан танишдилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

КОРХОНАНИНГ ТЕННИС КОРТИ

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб ийгирув корхонасида соғломлаштириш ва жисмоний тарбияга катта эътибор берилмоқда. Корхона ўзининг маиший ва тиббий хизмат тармоғига эга. Тумандаги йирик футбол жамоаси ҳомийлиги ҳам уларнинг зиммасида. Яқинда бу ерда 1000 ўринли теннис корти бунёд этилди. Унга 20 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратилди. 226-кўчма қурилиш ташкилоти бинокорлари қурган теннис корти кўркамлиги билан ажралиб туради.

Юнус УЗОҚОВ.

"МАЛИКА"ДА УЮШМА ИШ БОШЛАДИ

БУХОРО. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан кўҳна шаҳарда ташкил этилган аёлларнинг "Малика" марказида ижодкор хотин-қизлар уюшмаси иш бошлади. Унга бухоролик ўнлаб олималар, ёзувчи ва шоиралар, мусаввирлар жалб этилди. Уюшма аъзолари Бухоро санъати бўйи-бастини оламга кўз-кўз қилиш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҚИШЛОҚДА ДАВОЛАШ МАРКАЗИ

ЖИЗЗАХ. Ғаллаорол туманининг тоғли Ғўбдин қишлоғида қад ростлаган 440 ўринли янги мактаб биноси ва "Истиқлол" ширкат хўжалиги марказида бунёд этилган шифохонада сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастури тўғрисида"ги қарори асосида туманда кўплаб ана шундай иншоотлар барпо этилмоқда. Ғаллаорол шаҳрига киравершида миллий услубда қурилаётган дарвоза ва яна учта тоғ қишлоғида тикланаётган амбулаториялар ҳам яқин кунларда ишга тушириладди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 26 сентябрь, пайшанба № 125 (22.046).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИШБИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ

Қувасой шаҳрида республикамизда биринчи бўлиб ишбилармонлар ўқув-илмий ишлаб чиқариш маркази иш бошлади. 300 нафар илмга чанқоқ ёшлар таълим олаётган бу билим даргоҳида иқтисод, менежмент, ҳисобчи ва аудит, хўжалик ҳуқуқшуноси, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкилловчи каби ихтисосларни эгаллашади. Уларга мамлакатимиз, шунингдек Россия, Голландия, Исроил, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Жанубий Корея сингари мамлакатларнинг олим ва мутахассислари сабоқ берадилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



***СУРАТЛАРДА:** қабул пайти.*

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябрь куни Япония миллий нефть корпорацияси президенти Кунио Комацу бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳамда турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини мунтазам ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди. Президент Ислом Каримов Кунио Комацунинг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларимизнинг янада кенгайишига ҳисса қўшади, дея ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатимиздаги нефть конларини қидириб топиш, малакали техник мутахассислар тайёрлаш ва айрибошлаш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, Япония миллий корпорацияси ҳамкорлигида Ўзбекистоннинг нефть ва газ салоҳиятини Осиё бозорига тақдим этишга келишиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Норов иштирок этди.

(ЎзА).

Хорижда

ДОКТРИНА ИШЛАБ ЧИҚИШГА ДАЪВАТ

• Грузия делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясини «агрессив сепаратизмдан сақланиш» доктринасини ишлаб чиқишга чақирди. Бош Ассамблеянинг 51- сессиясида қатнашаётган Грузия ташқи ишлар вазирининг изоҳлашича, мазкур доктрина сепаратизмга қарши кураш ёки унинг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирларни кўзда тутиши керак.

НОМЗОДНИНГ ФИКРИ

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг келажакдаги вазифаси келиб чиқиши мумкин бўлган минтақавий можароларни аввалдан аниқлаб, дипломатия йўли билан ҳал қилишдан иборат бўлиши керак. Норвегия бош вазири Гру Харлем Брунтланд БМТ-нинг 51-сессиясида ана шундай баёнот берди. Дарҳақиқат, жаҳонда юз бераётган воқеалардан маълумки, БМТ минтақавий можароларга кечроқ, жанжал аллақачон ҳарбий тўқнашувларга айланиб кеттанидан кейин аралашмоқда. Норвегия Бош вазирининг фикрича, агар можаро келиб чиқиши мумкин бўлган ҳудудларга тажрибали ва моҳир дипломатлар юборилса, кўплаб қон тўкишларнинг олди олинади.

ДАЪВОГАРЛАР КЎПАЙДИ

• Айни пайтда БМТ Бош котиби Бутрос Голий ўз лавозимига қайта сайланиш аҳдида қатъий эканини айтди. Бу ҳақда у Япония Бош вазири Ротаро Ҳашимото билан бўлган учрашувида баёнот берди. Бироқ Япония ҳукумати раҳбари унинг номзодини қўллаб-қувватлаш ҳақида аниқ бир гап айтмади.

Маълумки, шу йил декабрь ойида БМТ Бош котибининг 5 йиллик ваколати тугайди. Америка Қўшма Штатлари эса Бутрос Голийнинг қайта сайланишига очиқ қарши чиқаётир.

Кузатувчиларнинг фикрича, янги Бош котиб лавозимини япониялик аёл — қочқинлар бўйича БМТ Бош комиссари Садако Огату эгаллаши мумкин. Бундан ташқари, номзодлар орасида яна бир қанча аёллар бор.

Маънавият дунёси

БИЛИМ ЮРТИДА ЯНГИ МАРКАЗ

Мамлакатимиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига Бўз муаллимлар билим юрти жамоаси амалий иш билан жавоб берди. Бу ерда «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилди. Марказни Эргашали Ғаниев, Зарифахон Маъмирова, Абдумутал Самадов сингари устозлари кўмагида ўқувчилар дид билан жиҳозладилар. Узбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Олий Мажлисда сўзлаган маърузалари эътиборли жойга қўйилиб, уларни ўрганиш учун тавсиялар тайёрланди.

Марказдан мустақил мамлакатимиз байроғи, мадҳияси ҳам ўрин олди. Ватанимиз тарихи, унинг жасур фарзандлари, улуғ алломалари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи алоҳида бўлим кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Истиқлолнинг беш йилида мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар, илм-фан соҳасидаги ютуқлар, дунёга танилган ўзбек олимлари ҳақида қимматли маълумотлар жамланди.

Авлодлар ҳаёти, маънавият ва маърифат бобидаги Соҳибқирон бобомиз Амир Темур фаолияти ўзига хос таърифини топган. Ул зотнинг давлатчилик сиёсати, маънавият ва маърифатга эътибор билан қараганлиги ифода этилган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 25 сентябргача бўлган маълумот

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Андижон	3,79	51,86
Сурхондарё	1,85	47,40
Бухоро	1,23	43,39
Хоразм	2,26	41,44
Фарғона	2,29	38,80
Навоий	0,60	38,48
Самарқанд	0,16	37,05
Қашқадарё	1,37	31,42
Наманган	2,60	28,35
Қорақалпоғистон Республикаси	1,58	22,19
Тошкент	0,70	15,47
Жиззах	0,21	9,58
Сирдарё	0,69	8,62
Республика бўйича	**1,57**	**32,41**
Шу жумладан ингичка толали пахта (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	933	14100
Қашқадарё	241	2030
Наманган	—	—
Республика бўйича	**1174**	**16130**

«УЗУМЗОР»... СУВ БЕРЯПТИ

Навоий вилояти қишлоқ аҳли, айниқса Навоий туманидаги Қаландар Мусаев номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг орзулари ушалди. Бу ерда қурилган «Узумзор» насос станцияси ишга тушди. Уни вилоят сув хўжалиги қурилиши бошқармасининг 6-махсус механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари қисқа муддатда бунёд этдилар. Энди хўжаликнинг янгидан ўзлаштирилган 450-500 гектар ерини «Узумзор» сув билан тўла таъминлайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Отахонлар сўзи

БИЗГА ШУНДАЙ ЖАМҒАРМА КЕРАК...

Мустақиллик офтобидан мунаввар бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир жабҳасида истиқлол манзараларини кўриб кўнгилларимиз ёшаргандай бўлади. Ахир бу кунларни неча-неча замонлардан буён орзу қилиб келардик. Ўз иш тутумини янги давр талабларига монанд қайта қураётган ташкилотлар қаторида «Камолот», «Соглом авлод учун», «Олтин мерос» каби қатор жамғармалар фаолиятини тилга олиш мумкин. Улар эскича қарашлардан воз кечиб, ўз зиммаларига масъулиятли вазифаларни олмоқдалар.

Аммо баъзи жамоат ташкилотлари инқилобий ўзгаришларни илгаб ололмаяптилар, ҳамон эски замонлардаги буйруқбозликка одатланган айрим кўникмалардан воз кечолмаяптилар. Худди шундайлар қаторига бевосита биз-нинг турмуш тарзимизга дахлдор бўлган фахрийлар ташкилотлари кириши-ни таассуф билан таъкидлаймиз. Бу фикр турли миқёсда ўтказилган фахрийлар анжуманларида бир неча бор таъкидланди. Ғап шундаки, кўпни кўрган отахон ва онахонларни ўзида бирлаштирувчи бу муътабар даргоҳлар Президентимиз ижтимоий сиёсатини ҳаётга изчил тадбиқ этиши, ёши улғайган фуқаролар ҳолидан бахобар бўлиши керак. Хуллас, ҳукуматимиз ва фахрийлар ўртасида боғловчи кўприк бўлишлари лозим. Байрамлар арафасида у ёки бу фахрийга бир неча совун, чой, гуруч улашиш муътабар ташкилот шаънини безамайди.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, янгича руҳда ишлайдиган фахрийлар жамғармаси тузилса. Зеро, кўпчилик кексалар ана шундай таклифни қуллаб-қувватлашларига ишонамиз.

Андижон шаҳар Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқолларидан:

Болтабой ТОЖИБОЕВ,
Мамасоли СОБИРОВ,
Одилжон ИСОҚОВ ва бошқалар.

"Обуна-97"

Диққат, обуна бошланди!

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Тезкор асримизда ахборот оқимининг шакл-шамойиллари кўпайганлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсоннинг табиатан қизиқувчанлиги турли ахборот воситалари орқали қондирилади. Ҳозиргина содир бўлган ҳодиса ҳақидаги янгиликни саноқли соатлардан кейин ҳаво мавжлари орқали эшитишингиз, ойнаи жаҳон кўзгусида кўришингиз мумкин.

Айни пайтда кўнглингиз ўша воқеа-ҳодисалар ҳақида муфассалроқ маълумотлар олишга, оний кечиримга эмас, балки таҳлилий мулоҳазага эҳтиёж сезади. Шундай пайтда Сизга даврий нашрлар — газеталар ёрдамга келади. Албатта, кейинги йилларда мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда матбуот нашрлари сони ҳар қачонгидан кўпайди. Бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳаммасини ўқишга имкониятингиз ҳам йўқ. Биз сизга шу ўринда катта ва бой аньанага эга бўлган отахон газета — "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ни тавсия қилмоқчимиз.

Чунки:

☑ республикада, Ҳамдўстлик мамлакатларида ва бошқа хорижий давлатлардаги энг қизиқарли ҳамда ҳаяжонли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги янгиликларни;

☑ мамлакат раҳбарлари, таниқли алломалар, адиблар, эл эътиборини қозонган спецчиларнинг долзарб мавзудаги чиқишларини;

☑ мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустаҳкамлик ва бокимандалик психологияси йўлига гов бўлувчи кескин мақолаларни, аёвсиз ғуқмаларни;

☑ чуқур таҳлилий материалларни, жиддий спецсий, иқтисодий ва халқаро шарҳларни;

☑ бой тарихимиз, маданий меросимизни юртдошларимизнинг маънавий мулкига айлантиришга даъват этувчи чиқишларни;

☑ халқнинг спецсий фаоллигини оширувчи, ҳуқуқ ва бурчларини теран англатувчи мақолаларни;

☑ оммани муштарак мақсадлар сари жипслаштирувчи УзХДП олиб бораётган ишлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни;

☑ ишингиз юришиб кетишига имкон берувчи реклама ва биддирувларни ФАҚАТ "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси саҳифаларидагина ўқий оласиз!

"Обуна-97"

Эслатиб ўтамиз: "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ҳозир мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар ичида энг оммавий нашрлардан биридир. Келгуси йилда газетанинг чакана савдога чиқиши чекланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўймоқчимиз. Демак, энг маъқул йўл — ОБУНА!

Муҳтарам муштарийлар!

1996 йил 25 сентябрдан Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги матбуот тарқатиш бўлинмаларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна расмийлаштириш бошланди. Бу йил обуна баҳосини белгилашда табақалаштирилган усул жорий этилди. Яъни, мамлакатимиз минтақаларининг ҳар бирида матбуот нашрларини ташиш, тарқатишда турлича миқдорда сарф-харажатлар кетиши ҳисобга олинди. Газета таннархига вилоят ва туманлар ҳудудида ташиш, тарқатиш билан боғлиқ сарфиётлар қўшилган ҳолда якуний баҳо аниқланади.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"нинг нашр индекси:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 64583 Корхона ва ташкилотлар учун —64588.

УНУТИЛГАН МАВЗЕ

Узоқдамас, шундоққина пойтахтнинг бир чеккасида. Номиям ажабтовур — ПАНЕЛЬНИЙ(?)! Уни қисқа қилиб ДСК ҳам дейишади. Нима эмиш, бу ерда шундай заводлар борлиги учун бир замонлар шундай номланиб кетган экан. Етмиш-саксонни қоралаб қолган кексаларнинг айтишларича, бу жойнинг ўз атамаси бўлган.

Тўғриси, ҳозир гап ҳеч бир қолип ё ақлга сиғмайдиган бу ғалати ном ҳақида эмас. Аксинча, Ҳамза туманида энг йирик мавзелардан бири бўлмиш Панельнийни йил сайин катта ердан узоқлаштираётган оғриқли муаммо хусусида.

Энг аввало, бир вақтлар ҳамма ҳавас қилган ва бу «оролча»ни Тошкент билан боғлайдиган ягона 68-автобусга ҳам ҳозир кўз теккан. На тонгда топасиз, на шомда. Қўли калта йўловчиларнингку сабрлари узун, лекин 2-автокорхона раҳбарларининг тош қотган асабларига балли. Нега десангиз, умрини ўтаб бўлган, зўрга «нафас» олаётган автобусларни бу «ўгай» маршрутга жўнатавериб чарчашмаётир.

Шу ўринда бир қиёсий далилни келтирмоқ ҳам жоиз: кўп эмас, бундан икки-уч йил олдин ҳам худди шу йўналишга йўлдош қатнайдиган 37-, 7-автобуслар қатновидан кўпчиликнинг кўнгли тўлмас эди. Бугунга келиб ҳар икки маршрут ҳеч бутунлай ўнгланди. Энди билмадик, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарлари бу унутилаётган мавзени шаҳар билан боғловчи бошқа йўналишлар очиш ҳақида ўйлашмаса, у тағин узоқлашиб кетаверади.

Ажабо!

Яна бир ачинарли томони, Фарғона йўли ва Тошкент халқа йўли билан Панельнийни боғлайдиган кўча ҳам ўнқир-чўнқир, бузилиб ётибди. Яна...

Э, қуйинг, балки бу гапларга ишонмассиз. Унда пойтахтнинг исталган жойидан дуч келган машинага қўл кўтариб, «Панельний»га оборинг қўйинг» десангиз бор ҳақиқатни билиб оласиз. Ҳозирча бу мавзенинг аҳволи шундай.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Биз шундай халқмиз

ЮЗ ЙИЛ КИШИ УМР ТИЛАР

Инсон — Оллоҳнинг буюк санъати. Буни қай маънода тушунсангиз — тушунаверинг. Эгам ўзидаги ана шу яратувчанлик истеъдодининг бир чимдимини — миллиону миллиардданми ёки бизнинг ақлимиз етмайдиган сонданми бир бўлагини ожиз бандасидан ҳам дариғ тутмаган. Бошқаларни билмадим-у, одам боласи учун ҳеч қачон ўз ақлию қўли билан яратганидан ичдан завқланишдан кўра устунроқ лаззат топилмаса керак. Бундай руҳий қониқишни, ҳатто, «лаззат» сўзи тўла ифодалай олмайдигандек ҳам кўринади. Эҳтимол, «ҳузур» калимаси кўпроқ мос тушар.

Ғарбнинг: «Инсон бу дунёда ҳузур топиш учун яшайди!» — деган фалсафасида ҳам жон бор. Лекин ҳузурнинг нималигини ҳам ҳар ким ҳар хил тушунадида. Бир кишининг ўзи ҳам турли ёшида турлича ҳузурлар истайди. Умрнинг эса чегараси ҳар хил.

Пайғамбар ёшига — олтмиш учга етиш ҳам бир бахт. Халқимизда минг ой яшаган, яъни саксон учдан ошганлар жаннати бўлади, деган ажиб ақида ҳам мавжуд. Мамлакатимизда минг ойдан ортиқ умргузаронлик қилаётган қанчаданқанча мўътабар отахону онахонларимиз бор. Улар биз учун бағоят қадрлидир. Чунки кўпларимиз ғўрига ўт қалаб ётганимиз болшавойлар ҳукмронлиги даврини истиқлолият замонинигина биламиз, улар эса ўша машъум тўнтаришдан бурунги замондан ҳам хабардор.

Самад бобо Рауф ўғли — ана шундайлардан. У киши Бухоронинг Вобкент туманидан. «Зарафшон» жамоа хўжалигининг қадим Зарафшон «кокил»лари орасида жойлашган сўлим Розмоз қишлоғида яшайдилар. Бу йил тўқсон билан «тўқнашдилар». Самад бобо учун энг азиз гўша — ўз уйи, йиллар меҳнат қилиб қурган ҳовлисию меҳрини бериб барпо этган боғи. Ўзбекни Оллоҳ ўзи «ўлан тўшак» учун яратган. Бу уйнинг Самад бобо учун янада азиз тарафи шуки, ахир шу хонадонга Норжон бибининг келин бўлиб тушганларига ҳам олтмиш бир йил тўлибди. Онахон ҳам ҳозир саксондан ошди. «Илоҳо, қўша қаринглар!» — деган дуонинг қадрини буларчалик биладиганлар кам бўлса керак.

...Кенг ҳовли, баҳаво чорбоғда айланиб юриш Самад бобонинг энг ҳузурли дақиқалари бўлиб қолган. Баъзан бизга узун бўлиб кўринаётган ана шу тўқсон йиллик давр у киши учун бир лаҳзадек туюлса ҳам ажаб эмас. Лекин ана шу узун умрнинг энг ёрқин саҳифаларини хаёлан варақлаш бошлангудек бўлса борми, кутилмаганда қисқа туюлиб турган бу умр янада узайиб кетса ҳам керак.

1934 йили эди. Тошкентга — деҳқонлар қурултойига вакил қилиб юборилдилар. Мукофот тариқасида патефон берилгандаги завқни демайсизми! «Бир мен эмас, ҳамма эшитсин-да», — деб уни колхоз идорасига топширганларидаги раис — Неъмат Тўхтанинг қувончи бундан ҳам ошиб тушган.

Одам юзга, юз элликка кирса ҳам никоҳ тўйини ўша ёшлик ҳаяжони билан эслаши табиий. Самад бобо билан Норжон биби 1935 йилги тўйларини ана шундай ёдга оладилар.

Самад бобо 1939 — 1943 йиллари колхозга раислик ҳам қилдилар. Ўшанда қизиқ воқеа юз берган эди. Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов шу колхоз полизига вилоят раҳбари Назаров ва туман раҳбари Ҳусаинов билан келиб, қовун танлаб чиқиш бўйича «ким ўзар» қилишган. Усмон Юсупов танлаган бўрикалла қовун ҳаммасидан ширин чиққан эди.

О, Бухоро қовунлари!.. Уларни бир замонлар узоқ Ҳиндистонда юрт қовунларини соғинган Заҳириддин Бобур буюк бир армон билан таърифлаб кетган эди. Усмон Юсупов бошлиқ меҳмонлар Бухоро бўрикалласини тановвул қилиб қанчалар ҳузур топишган бўлса, раис ва деҳқонлар Тошкентдан олиб келинган юмшоқ-юмшоқ булочкаларни умрларида илк бор татиб кўрган эдилар.

Булар ким учундир шунчаки гап. Бироқ Самад бобо ана шу воқеаларни бугун болаларча завқ билан хотирлайдилар.

Инсон ёши улғайиб боргани сари ўн йилликлар ҳам тез ўтиб бораётгандек туюлар экан. Уйда осиғлиқ мана бу суратни ўғиллари Абдуазиз, Абдужалол, Абдужамиллар рассомга чиздириб, совға қилганида саксон ёшлик тўйлари эди. Тўқсонга кирганларида, мана, фарзандлари чолу кампир суратларини гиламга нақш қилдириб, тақдим этишди.

Умр ғизиллаб ўтиб бораверар экан... Агрономлик қилиб юрган кезлари Самад бобонинг асаларига ишқлари тушиб қолди. Бу тажрибали пиллачи кўнгилларида Оллоҳнинг ана шу мўъжизасини ипак қуртига қиёслаш иштиёқи туғилди. Шунга амин бўлдиларки, инсон меҳнаткашликни фақат чумолидан эмас, ипак қуртию асаларидан ҳам ўрганиши керак экан. Асаларидан ўрганиладиган жиҳатлар эса жуда кўп. Бу Қуръони каримда таърифланган мўътабар жонзотлардан. Чиндан, етти хазинанинг бири. Дунёда асаларичилик илми шу қадар ривожланганки...

Табиатимиз асалари учун жуда қулай бўла туриб бу соҳа бизда чинакамига оммалашиб, очиқроғи, миллийлашиб кетганича йўқ. Самад бобо ва у кишига ўхшаганлар, халқона ибора билан айтганда, «йўқ жойдан» инсон ҳаёти ва саломатлиги учун бағоят фойдали неъмат етиштириб келяптилар.

— Асални қанча кўп йил асрасангиз, шифобахшлиги шунча ошади, — дейдилар Самад бобо. Кейин эринмай йилларини ёзиб қўйган идишлардаги асаллардан татиб кўришга киришади. Бир хиллари новвотдек қотиб кетган. Кавказ тоғларида узоқ умр кечираётганлар борлигини яхши биламиз. Кўп яшашнинг сабабларини ҳар ким ҳар нарсадан қидиради: табиатдан, емишдан, ҳаракатдан... Ғазетада ўқиганим борки, ўша юз эллик — юз олтмиш йил яшаган кавказлик отахонларнинг кўпи асаларичилик билан шуғулланар экан. Олимларнинг аниқлашича, асалари ўзидан ажиб ҳид чиқариб, ўша атроф-муҳит ҳавосини бағоят тозалар, бундай мусаффо нафас эса киши умрини узайтирар экан.

Самад бобо билан Норжон биби минг ойни ҳам писанд қилмай бардам-бақувват ҳаёт кечираётганларининг бир сири ҳам, эҳтимол, ана шу йиллар давомида бу ҳовлини ўзларига макон тутиб келаётган асаларилар эмасмикин?!

Мустақиллик кўп жиҳатдан кўзимизни очяпти. Ҳар биримиз ўз билгимизча иқтисодчи бўлишимиз, тадбиркорлик йўлларини ўйлашимиз кераклигини тушуниб қолдик. Самад боболар эса буни аввалдан жуда яхши билган. У кишининг дастурхонини асалсиз тасаввур қилолмаймиз. Рўзғордан ортгани эса бозорга чиқади-ю, ҳаёт учун зарур бошқа неъматларга айланади. Шунинг ўзи бир донишмандлик-ку.

Бозор иқтисоди шароитида ҳам Самад бобонинг кўнгиллари хотиржам. Ҳатто, яқинда, аниқроғи, сўнгги қўнғироқ куни отахон Розмоздаги ўрта мактабга ташриф буюриб, беш ойлик нафақасига олинган кийимкечакларни кам таъминланган оилаларнинг юзга яқин боласига улашиб бердилар. Ахир, ҳиммат қилиш учун ҳам ўзингиздан орттира билишингиз керак. Юздан ортиқ қути асаларисси бор кишининг куни пенсияга қараб қолармиди...

Самад бобо бугун маслаҳатгўй. Асаларилларга эса ўғиллари бош-қош. Қари билгани пари билмайди: «Шакарники фалон пулга ўзга давлатлардан сотиб олаётган эканмиз, бизда асалнинг бозори ҳеч вақт касод бўлмайди».

— Шунча йилдан бери асалари боқасиз. Чақишидан қўрқмайсизми? Мени битта ари чақса, жойхоб қилиб, ётиб оламан. Исфармам, яъни аллергиям бор, — дейман отахонни гапиртириш илинжида.

— Асаларининг заҳри ҳам тутиё, — дейдилар Самад бобо. — Табибларнинг тасдиқлашича, бир ари чақиши ўнта глюкоза уколининг кучини берар экан. Асалари заҳри кўп касалларга даво.

Алишер Навоий ҳазрат ҳам бекорга юз йил яшайман деган одамга юз йиллик сабр керак, демаганлар-да:

Юз йил киши умр тилар, бил, —
Ким сабр керакдир анга юз йил.

Қани энди, Самад бободаги асалдек ширин фаровон ҳаёт қуриш йўлида заҳар тотгандек меҳнат-машаққатга чидам, Навоий тарғиб этган сабр ҳаммамизга насиб этган бўлса!..

Султонмурод ОЛИМ,
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби.

Миллат ва маънавият

МАЪНАВИЙ ТАШНАЛИККА ЖАВОБ АСАРЛАР

Қўлимга Шоди Каримов ва Исломжон Турсунов томонидан яратилган «Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» рисоласи («Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, Тошкент, 1996, 125 бет) тушиши билан, беихтиёр фикрим XV асрда содир бўлган бир лаҳза тарихга бориб тақалди.

XV аср, 80-йилларнинг охири. Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуф тарихи, унинг машойихлари, шоиру фузалоларига оид «Нафаҳотул-унс...» асари аллақачон Хуросон, Мовароуннаҳр, Яқин Шарқ мамлакатларига тарқалган, шуҳрат топган. Ушбу асар давр маънавиятининг зарурати туфайли дунё юзини кўрган, кейинроқ барча аҳли илм томонидан тан олинган, олқишланган эди. Асар форс тилида яратилганлиги туфайли кунларнинг бирида Алишер Навоий устози Жомий ҳузурига бориб «Нафаҳотул унс...» асари ҳақида сўз очади, бу асарни туркий тилга таржима қилиш нияти борлигини, ва шу билан туркийзабонларни ҳам бир нодир маънавий бойлик билан баҳраманд қилиш эзгу мақсади эканлигини аён этади. Шунда Жомий ҳазратлари: «Буни қара, худди ҳозир менинг кўнглимдан ҳам айнан шу фикр ўтмоқда эди», дейди.

Форсий ва туркий халқлар маданияти ва маънавиятини муштарак, санъати, адабиётини якқалам этиб бир-бирига тортиқ қилган бу икки сиймо хотиротида айнан бир вақтда, телепатик ҳолатда айнан бир асарни форс тилидан туркий тилга ўгиришни исташ — ўша давр маданияти, маънавияти тараққиёти даражасининг зарурати бўлган. Кейинроқ, Абдураҳмон Жомий вафоти (1492)дан сўнг Навоий устози асарини фақатгина таржима қилмасдан, жуда кўп туркийзабон тасаввуф вакиллари, шу қатори Абдураҳмон Жомийнинг ўзини ҳам китобига киритиб уни «Насоимул-муҳаббат...» номи билан атади.

Буларни эслашдан мурод — ҳар бир давр ўз маънавияти талаби нуқтаи назари билан маълум муаллифлар — алломаларни, буюкларни вужудга келтиради, улар яратган асарлар фақат ўз даврини эмас, балки бир неча авлодлар учун маънавий озиқ беради, уларнинг тафаккур даражаларини юксалтиради, она юрти — Ватанининг ҳақиқий фидойисига айлантиради. Ана шундай китобларнинг бири Президент Ислом Каримовнинг «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА» асаридир.

Шу ўринда муҳтарам ўқувчи «яна Президент асарини мақташми» деган фикрга бормаслигини сўрардим. Собиқ Иттифоқ даврида КПССнинг машҳур «биринчи»лари, марксизм-ленинизм «доҳийлари» асарларининг кўпсонлиги, ҳайбати, ёстиқдек қалинлиги ва асосан китоб жовонларинигина «безаш», фақат мажбурий таълим ва баландпарвоз нутқларда парчалар келтириш учун яроқли бўлганлигини биламиз. И. Каримовнинг бу китоби улардан нимаси билан фарқ қилади? Энг аввало бу асар Ўзбекистон аталмиш мамлакатни дунёга кўз-кўз қилди, унинг муаллифини эса дунё давлатлари раҳбарлари орасида мутлақо ўз йўли, ўз сўзи бор етук шахс сифатида танитди. Шу боис, биз ватандошлар бу асар мазмуни, моҳиятини, ундан Ватан рамзи, миллат ўзлиги, кундалик қайноқ ҳаёт нафаси уфуриб, анқиб турганлиги учун ҳам қалбан англаш зарурати билан ҳам яшамоқдамиз. Бу навбатдаги яна бир асар эмас, балки навқирон юртимиз сарҳисоби, қомуси, истиқбол шукуҳлари, халқимиз

1

қараши, келажакда ҳисоб-китоб билан иш тутиши, мафкураси, миллий тотувликда яшай олиши ва бу бош шиор эканлиги, жаҳон мамлакатларига зуғум этмай, тажовуз қилмай, биродарлик ва инсоний, ҳамкорликда яшаши — шу заминда энг барқарор, бой, осойишта, келажаги буюк давлатни яратишнинг эркин-эмин, очиқ баённомаси — юрт дастуриламали ҳамдир. Бу асар юртбошимизнинг ўз элини порлоқ истиқболга етакловчи ёрқин тафаккури маҳсулидир.

Ҳозирги шиддаткор замонда бировни фикрингга эргаштириш, уни ишонтириш, мушкул муаммолар орасидан порлоқ келажакка йўл очиш, етаклаб олиб бориш-юксак раҳбарлик санъати, олий дипломатик салоҳиятдир. Президент И. Каримов Президентлигининг биринчи кунида баён этган режаларини бажара борар экан, фақат маъруза қилиб, китоблар яратиш орқали элга ваъда бермади, балки уни амалда исботлаб, ўз сўзининг устидан чиқиб келмоқда. Кенг чирой очаётган шаҳарларимиз, қадрланаётган маънавиятимиз, юксалаётган саноат ва қишлоқ хўжалигимиз, кириб келаётган илғор технология ва чет эл инвестицияси, миллий валютамизнинг донги ва бошқалар бунинг яққол исботи. Ана шу жиҳатлар борки, Президентнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари АҚШ ва Германияда, Франция ва Саудия Арабистонида, Россия ва Индонезияда, хуллас жаҳоннинг турли тузум ва мафкурага эга мамлакатларида чоп этилди, тан олинди, олқишланди. Бу ўз навбатида ХХ асрнинг охирида дунёда ўз йўлини топган етук, камтар, халқпарвар, забардаст раҳбар — Президент сиёсат оламига кириб келаётганлигидан далолат берди.

Мазкур асар дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинди. Турли миллатлар, ҳар хил тилларда сўзлашувчи халқ бу асар орқали ўзи учун ҳали қарийб маълум бўлмаган Ўзбекистон аталмиш юртни таниди, «Ўзбекистон модели» атамаси Ислом Каримовнинг давлат бошқаришида, ҳеч вақо мерос қолмаган юртдан беш йилда неча ўн йилларда қилолмайдиган иқтисодий, маънавий сакраш билан озод, обод, мустақил юрт тузиш усулини дунёга танитди. Энди Ўзбекистон ўз бўй-бастини Марказий Осиё, собиқ Иттифоқ давлатлари билан эмас, жаҳоннинг энг етук мамлакатлари билан ўлчамоқдаки, чексиз ифтихорга тўлади, киши қалби.

Шу боис, 70 йиллик шўро давлати шиддати ва тартибида яшаб камситилган, эзилган халқимиз энди-энди мустақиллик, ўз йўлбошчиси Президентининг йўриқлари, юқоридаги асарлари қадри, маънавий салмоғини татиб кўрмоқда. Буларни янада чуқурроқ англаш, теран мазмунига етиш эса, ўз навбатида шубҳасиз, махсус услубиётни — методик ёрдамни талаб этади. Зиёлиларимизнинг бугунги вазифаси ҳам бу давр маънавиятига тааллуқли ганжиналар қиймати — айниқса маънавий бойлигимиз эканлигини кенг тарғиб этиш, ҳар бир киши онгига сингдириш, бу асарлар собиқ «том-том»лардан фарқ қилган ҳолда ўз қадриятимиз, халқимиз меҳнати, тарихи, келажаги, Ватан равнақи эканлиги, бу китобнинг ҳар саҳифасида келгуси фаровон хонадонимиз, тотли турмушимиз, энг буюк давлатлар билан тенгликка дахлдорлигимиз башорати бор.

Муаллифлар Ш. Каримов, И. Турсунов «Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» методик маслаҳатлар китобини яратибдилар. Савол туғилади: бундай қўлланма зарурми? Ахир Президент китоби асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан 24 соат ўқув дастури тузилган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам маълум тадбирлар кўрилган. Китобнинг ўзи 100.000 нусхада нашр этилиб, тезда тарқалиб кетган. Ҳар бир ўқитувчи, талаба, ўқувчи дарс дастури асосида китобдан таълим олиши мумкин-ку!

Йўқ, бундай қўлланмалар Президентнинг бу асари қанчалик маънавий зарур бўлса, уни халққа етказиш, айниқса ёш авлод онгига сингдириш, Ватан тушунчасини иқтисодий билим асосида ҳазм қилдириш учун худди шундай маънавий зарур! Фикримизни аниқроқ баён этиш учун яна тарихимизга, азалий қадриятларимизга мурожаат этсак. Азалдан Шарқда қадриятга оид бирон асар яратилар экан, унинг моҳиятини кенг оммага етказиш, имкони борича барчани бу ганжинадан баҳраманд қилиш расм бўлган. Шу боис, бу асарларга шарҳлар битилган, луғатлар тузилган, махсус қўлланмалар яратилган. Чунки буюк асарлар ҳамма вақт ҳам бир хил тушунарли бўлмаган. Бу шарҳлар даҳо шахсларнинг юксак фикр юритиш қобилияти, хулоса ва якунларини изоҳлаш, оддийроқ ҳолда оммага етказиш,

(Давоми 3-бетда).

2

ҲАҚ ГАП

Эҳтиром

Бир зум дам олгани тўхтаган йўловчи беихтиёр ортига, босиб ўтган йўлига қарайди. Аслида ҳаммамиз ҳаётда йўловчилармиз. Ўшанда-да, маълум манзилда, кексалик остонасини ҳатлаётиб, орқамизга ўгрилиб: «Босиб ўтган йўлимиз қандай? Эсда нима қолди-ю, нима унутилибди?» дея ўйлаймиз.

Истайсизми, йўқми хаёл ўтмишга етаклайди. Болаликдан то бугунгача бўлган онлар кўз олдингиздан ўтади. Ҳозир 85 ёшни қаршилаган йирик мутахассис, кекса ҳуқуқшунос Бердиёр Аҳмедов ҳам ортда қолган изларига қарайди, ёшлигини эсга олади.

— Деҳқон оиласида туғилдим. Камбағал эдик, ўн уч ёшимдан кишилар эшигида ишладим. Бир бурда нон топиш осон эмасди...

Бу оғир ҳаётдан Бердиёр Аҳмедовни билим, зиёга интилиш қутқазди. Машаққатларни енгиб ўтишда илм суянчиқ бўлди. Доимо эъзозлаб келаётган касби — ҳуқуқшуносликни эгаллади. Институтни битиргач, Самарқанд вилояти прокуратурасида иш бошлади. 15 йил давлат маъмурий идораларида, 46 йил ҳуқуқ соҳасида домла бўлиб хизмат қилди. Шу даврда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», профессор унвонлари билан тақдирланди.

Иссиқ-совуқни, пасту баланд, оғир-енгилни кўрган Бердиёр оға ёшларга хос шиддат-ла сўзида давом этади:

— Қонунчиликни мустаҳкамлаш, бу борада миллий кадрларни тайёрлашда катта эътибор берганимдан мамнунман.

Меҳнат фаолиятини педагогик ва илмий ишлар билан бирга олиб боришга аҳд қилган Б. Аҳмедов Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида талабаларга дарс бера бошлади. Сўнг факультет декани бўлди. Жиноят ҳуқуқи ва криминалистика кафедраларига раҳбарлик қилди. Айни шу даврда миллий кадр масаласига жиддий ёндошди. Лекин бу осонликча кечмаган.

— Ҳаётда кўп ҳолатларни кўрдик, — дейди Бердиёр ота. — Лекин ҳамма ғубор мустақиллик шарофатидан тарқаб кетди. Қаранг, юрт озод, миллат озод. Мустақил давлат тузилди. Конституция қабул қилинди. Байроғимиздан киши қувонади. Давлатимиз мадҳияси бор. Ўзбек тили давлат тили деб тан олинди. Давлат тамғаси бунёдга келди. Ўзбекистоннинг ўз пули чиқди. Мамлакатимизни дунё таниди.

Ўз иқтидорини ҳуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш йўлига сарфлаган Б. Аҳмедов урушнинг оғир йилларида Самарқанд вилояти прокуроринининг ўринбосари, Наманган вилояти прокурори вазифаларида ишлади.

— Фронтни қурол-яроғ билан таъминлаш, уруш кетаётган жойлардан келтирилган болаларни, касалманд-ногиронларни қабул қилиш, бошпана, озиқ-овқат билан таъминлашдаги азоблари эсласам, ғалати бўлиб кетаман.

Иқтидорли педагог, жиноят ишлари ва ахлоқ тузатиш ҳуқуқлари бўйича йирик мутахассис, жиноят ҳуқуқи ва меҳнат-ахлоқ тузатиш қонунларига доир кўплаб китоблар муаллифи, республика прокуроринининг ўринбосари вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтган Бердиёр ота Аҳмедовни оғир ўтмиш хотиротларидан чалғитгим келади.

— Энди фарзандларингиз, неваралардан гапиринг.

— Қизим Рева ўқитувчи-юрист, Бахтиёр истеъфодаги полковник, Дониёр доцент, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. 9 невара, 11 чеварам бор. Аёлим Комилахон билан уларга бош бўлиб юрибмиз.

Учинчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистон Олий судининг ўттиз йилдан ошиқ илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатган бу табаррук отахон дилларидаги яна бир фикрни ўртага ташлади:

— Умрим элнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, унинг қадр-қимматини, ҳуқуқий онгини ўстиришга сарфланди. Лекин имкониятларимиз чегаралганган эди. Истиқлол шу занжирларни узиб ташлади. Бу дунёвий талабларга жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш мавриди етди дегани. Хусусан, ҳуқуқшуносларни Ҳуқуқшунослик институтининг Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида факультетлари бор. 2 техникум, бир академия мавжуд. Агар, ҳаммаси бирлаштирилиб Ҳуқуқ академиясига айлантирилса яхши бўларди. Бежизга итальянлар футбол академиясини очишмаган...

Бердиёр ота билан суҳбатимиз охирлади. Бир-биримиз билан хайрлашамиз. Лекин у кишининг айтганлари эсимдан чиқмайдиган бўлди: «Қонун — бу сиёсат!. Ҳаммани қонунга ўргатмоқ зарур. Қонунни қанча кўп тушунсалар, қонунбузарлар шунча оз бўлади».

Ҳақ гап. Шарҳу изоҳга ҳожат йўқ.

Қурбон АЛИ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!

ОРЗУГА АЙБ... БОР

Тўрт кам етмишни урган Надя холани не жин урса урдики қариган чоғида миллионер бўлишни орзу қилиб қолди. Шу ниятини амалга ошириш учун Самара сафарига отланди. Албатта, Самарада миллионлар уюлиб ётмагандию, аммо ёнидаги 6 кило қорадорисини эсон-омон манзилга етказиб олса, нақд миллионер кампир бўлиб қайтмоқчи эди.

Бу ишингиз жиноят, дейишди Қўқонда момони қўлга туширган ички ишлар ходимлари. Қирғизистонлик бу момога бунча қорадори на ҳожат дерсиз. Хуллас, ички ишлар ходимлари сизу биз ўйлаган саволларга жавобни момонинг ўзидан бирин-бирин сўраб, билиб олаяпти.

КАПИЛОВНИ «КАПУТ» ҚИЛГАН КИМ?

Қўшработ тумани ички ишлар ходимлари Самарқанд шаҳрида яшовчи Капилов деган кимсанинг кўкрагига уч марта пичоқ уриб қочиб қолган қотилни топишда катта ёрдам қилдилар. Улар самарқандлик ҳамкасбларининг бошини қотираётган Капиловни ўлдириб кетган қотил ким эканлигини дарҳол аниқлаб, унинг қилмишига яраша жазо олишини таъминлашда яқиндан иштирок этишди.

. Албатта, Қўшработнинг Зармитан қишлоғида яшовчи Мирошниченко деган ушбу қотил ўз қилиғи билан бу тоғлик халқ аҳлини уялтирди.

САДҚАИ ОДАМ КЕТ-Е...

Жиззах шаҳрининг Йўлдошев кўчасида яшовчи ишламайдиган 33 ёшли Бирюлкин онасини роса дўппослади. Таёқ зарбига чидай олмаган онаизор «Мен сени урадi, деб тарбиялаганмидим, аблаҳ?» дея бир-икки зорландию, ёруғ оламни тарк этди.

Онага яхшилик қилиш қўлидан келмагач, ёмонликдан ҳам ўзини тия олмаган бу бетофиқнинг қилмишини эшитганлар, «Садқаи одам кет-е», дейишди.

ЯДРО СИНОВЛАРИГА ҚАРШИ

Сешанба кунги манбаларда таъкидланишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида дунёда ядро синовларини таъқиқлаш масаласига доир битимни имзолашда АҚШ Президенти Билл Клинтон олдинги ўринда бўлди.

Хитой, Франция, Россия, Англия ташқи ишлар вазирлари Клинтондан кейин имзо чекишди. Ядро синовларини таъқиқлаш ҳақидаги шартномага 50 дан ортиқ давлат имзо чекди. Баъзи давлатлар эса бу масалага бошқача нуқтаи-назардан ёндашдилар.

ЯНА ШАҲЗОДА ҲАҚИДА ЁЗИШЯПТИ

«Санди Таймс» рўзномаси шаҳзода Чарльз ва Камилла Паркер Боулз ўртасидаги шахсий муносабатлар ҳақида кетма-кет мақолалар чоп этяпти.

Қиролича Елизавета эса бу шов-шувларга чек қўйиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Елизавета Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжер билан учрашув чоғида шаҳзоданинг Боулз хоним билан муносабати хусусида гапириб, уларнинг муҳаббатидан давлат монархияси ҳеч қандай зарар кўрмаслигини таъкидлади.

Бу хусусда қиролича Бош вазир ҳузурида яна расмий равишда баён этиш ниятини ҳам билдирди. Унинг фикрича, шаҳзода Чарльз мураккаб сайловолди кайфиятидан толиқиб қолган. Лекин Қиролича Елизавета давлат манфаатларини ҳамиша ўз шахсий муносабатларидан бир поғона баландда тутиб келгандир.

Шундай мураккаб сиёсий вазиятга қарамай, шаҳзода Чарльз Камилла Паркер Боулз билан черковда никоҳ маросимини ўтказиш ниятидан қайтган эмас.

ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Шу йилнинг 17 июнида Узун Орол узра Нью-Йоркка парвоз қилаётган самолётнинг ҳалокати тўғрисида рўзномаларда хабар қилинганди. Ҳозирда махсус комиссия терговчилари ҳалокат сабабларини аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

Текшириш хулосаларига қараганда самолёт ҳалокати марказий ёнилғи бак тизимидаги ёнғиндан келиб чиққан деган фаразлар айтиляпти.

Ҳозирча ҳаво ҳалокатининг сабаблари аниқ, очиқ-ойдин айтилмаяпти. Чунки буни мутахассислар ҳам турлича изоҳлашяпти.

Диққат, янги рукн!

Беш кунлик дунё

КЕКСАЛИК БИР ҲИКМАТДИР

Кўкламда танишларимдан бирининг отаси қазо қилди. «Етимлик ёмон бўларкан...» деб нуқул кўзёш қилади. Ҳолбуки, у қиз чиқариб, ўғил уйлаган неварали аёл. Бунинг устига ўша онахоннинг Тошкентда яшаётганига ўттиз йилдан ошган. Ота-онаси эса Самарқандда. Йилига нари борса 3—4 марта кўришиб туришарди, холос.

— Онамиздан айрилганимда дунёнинг бир ёғи ўпирилиб кетгандек бўлувди. Бундан кейин дадам раҳматлининг ҳам дийдорларига тўёлмайман. Балки менга энди ҳеч ким «қизим», «болам» деб мурожаат қилмас... Шуларни ўйлаганам, биқинимни совуқ ғешиб юбораётгандек титрай бошлайман...

Воажаб, тақдир—найрангбоз экан. Шунча йил рўзғор юкини судраб, бола-чақа ташвиши билан яшаб оқармаган сочларга бир ойга ҳам етмай қиров тушди. Олтмишга яқинлашганда етим бўлган онахоннинг қадди кўп ўтмай букчайиб қолди.

— Дадам ўтганларидан бери белимнинг қуввати, кўзимнинг нури ҳам аста-аста йўқоляпти. Кексалик аслида ҳикмат экан-да, ота-онам ҳаётликларида улар билан онда-сонда учрашсам ҳам, ўзимни шу қадар кучли ва дадил сезардимки... Ҳозир қўлидан ҳеч иш келмайдиган ношуд, нотавонга ўхшаб қолдим...

Ёшлар оҳ-воҳ қилсалар койиб ёки бир-икки оғиз насиҳат қилиб юпатиш мумкин. Аммо ёшлари бир жойга борган одамлар астойдил азият чексалар, таскин бериш қийин бўларкан.

Тўқсонга тўқнашай деганда оламдан ўтган отахон 300 чақирим нарида яшаб увалижували бўлиб кетган қизига умрининг охиригача меҳр кўрсатиб, далда бериб яшабди.

Ўтган йили хизмат тақозоси билан қариялар уйига борганимда 55-60 ёшлар чамасидаги бир амаки билан суҳбатлашиб қолувдим. У 8 йилдан бери шу даргоҳда истиқомат қиларкан. 35 йил олис шаҳарларга қатновчи поездларда проводник — йўл бошқарувчи бўлиб ишлабди.

Демак, ҳаётининг анчагина қисми сафарларда — оила, бола-чақа дийдоридан узоқда ўтган. Икки қизи, бир ўғли бор экан. Унинг айтишича, қизлари оқибатсиз чиқишибди. Ўғли ҳақоратлабди. Келини ош-овқатга эпчил эмас экан. Кампири ҳам сергап бўлиб қолиб, безор қилибди.

— Болаларим кўчанинг нариги юзида туришади. Ҳозиргача мендан бирор марта ҳам хабар олишмаган. Мен ҳам бормайман.

— Набираларингиз борми?

— Ҳа. Саккизта.

— Уларни кўргингиз келмайдими?

— Йўқ. Учтасини мутлақо кўрмаганман. Қўни-қўшнилардан, таниш-билишлардан туғилганлиги ҳақидаги хабарни эшитганман. Лекин кўргим келмайди. Ота-онасидан учраган кўргилигимнинг ўзи етади. Энди бир камим болаларидан дашном эшитишим қолувди. Беш кунлик дунё. Мен ҳам бу ҳаётга бир марта келаман. Бор-э, деб уйимни ҳам, нафақамни ҳам, ончамунча йиққан-терганларимни ҳам давлатга хатлаб бериб, шу ерга келиб олдим. Худога шукр, саккиз йилдан бери ҳеч қандай жанжал-тўполонсиз қулоғим тинч, қорним тўқ яшаб юрибман. 4 маҳал овқат беришади, кирларимизни ҳам ювишади барака топгурлар...

Отахон мамнун бир кайфиятда сўзларди. Лекин унинг кейинги гаплари қулоғимга киргани йўқ.

Кўринишидан соғлом, барваста бу одамга қараб туриб ўйланиб қолдим. Боши ёстиққа етгунча елкасида кетмон билан томорқасида куймаланган ён қўшнимиз Қобил отани ва саксондан ошганда ҳам биз кичкинтойлар билан сирлашиб суҳбатлашадиган, невараларини опичлаб юрадиган Чибил бувани эсладим. Қандай нуроний, донишманд чоллар эди улар...

Одамзот дунёга устун бўлармиди!.. Қолаверса, киши бирданига кексайиб ҳам қолмайди. Лекин янги туғилган набирасини кўргиси келмаган, боласини соғинмайдиган одамлар ҳам бор экан-да бу дунёда!

Албатта, фарзанднинг ота-она олдидаги қарзи бениҳоя улуғ. Уларнинг бемеҳрлигини кечириб бўлмайди. Лекин улар ҳам тошбағир бўлиб туғилмаган-ку!

Боласидан шикоят қилиб, уларни қарғаб, лаънатлаётган одамларнинг арзу додини эшитиш жуда-жуда азоб экан. Хаёлингиздан: «Ахир булар ўзингиз пиширган ош, ўзингиз эккан дарахтлар-ку!» деган фикр ўтаркану, тилингиз калимага келмай лол бўлиб қоларкансиз.

Биз муқаддас кунлар, муқаддас байрамлар, муқаддас китоблар ҳақида кўп гапирамиз. Охирги марта ҳалиги олтмиш яшар онахон билан дардлашганимда дунёда муқаддас ташвишлар ҳам бўларкан-да, деган хулосага келдим. Юрт қайғуси, фарзанд қайғуси муқаддасдир. Дунё беш кунлик бўлса бордир аммо бу қутлуғ қайғулар одамзот қисматига битилган энг қўҳна ва боқий оятдир.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Миллат ва маънавият

МАЪНАВИЙ ТАШНАЛИККА ЖАВОБ АСАРЛАР

(Давоми. Боши 2-бетда).

маънавият сирларини очиш, ундан элни баҳраманд қилиш калити вазифасини бажарган. Аллоҳ томонидан нозил этилган Қуръони шариф, Пайғамбаримизнинг ҳадиси муборакларига ҳам худди шу боисдан ҳисобсиз шарҳлар битилган. Ёки Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Румий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Шекспир, Пушкин асарларига битилган шарҳлар, талқинлар-чи!

Шу масала билан боғлиқ бир жонли мисолга мурожаат этсак. Олимлар М. Ҳакимов ва Ю. Турсунов «Аристотелнинг олтин калити» мақолалари («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996, 20 сентябрь)да «Ахир шайхурраис Абу Али ибн Сино Аристотелнинг «Жон ҳақида» номли асарини ўн марталаб қайта ўқиб тушунмагандан кейин, бу асарга Абу Наср Форобий томонидан ёзилган шарҳни Бухоро китоб бозоридан сотиб олиб, бир марта ўқиб чиқиб, қаноат ҳосил қилганлигини» билдирадиларки, мувофиқ шарҳ, услубий тавсия ҳар қандай даврда ҳам зарурлигига яна бир карра гувоҳлик беради.

Шоди Каримов ва Исломжон Турсуновларнинг Президент «Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» рисоласида имкон қадар батафсил, маърузаларга бўлиб, аввал ўқитувчилар, сўнгра ўқувчиларга етказишда ҳам умид, мақсадлари шу, назаримизда. Зеро, Президент асарларида бир қатор иқтисодий-ижтимоий тушунчалар («иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи», «Иституционал ўзгаришлар», «бозор инфраструктураси», «ишончли ижтимоий кафолат», «макроиқтисодиётни барқарорлаштириш» каби) мавжудки, уларга шарҳ бермасдан бугунги оддий талаба, айниқса мактаб ўқувчисининг мукаммал тушуниши қийин.

Шу боис, қўлланма муаллифлари 15 маъруза заминида ўқитувчи ва ўқувчиларга Президент асарларидаги масалалар моҳиятини ойдинлаштириш, тушунишини енгиллаштириш йўлидан борганлар. Қўлланманинг «Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш» «Халқнинг маънавий — руҳий тикланиши иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий негизидир», «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш», «Аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш» ва бошқа маърузалари замиридаги услубий ёрдамлар муаллифларнинг юксак методик салоҳияти ва иқтидоридан гувоҳлик беради. Ўқувчи Президентнинг ўз асарида билдирган фикрини енгил тушуниб олади, ўқитувчи бўлса ишонарли мисоллар орқали ўз ўқувчиларига етказади. Бир мисол келтирамиз: муаллифлар И. Каримов асаридан «Ер ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради. Шу сабабли, республиканинг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ» (61-бет) иқтибосини келтирганлар. Маълумки, илмда бошқа бир асардан парча келтириш юксак илмий салоҳиятни ташкил қилади. Зеро, келтирилган иқтибос, шеърий парчани танлашда тадқиқотчи энг аввало таҳлил манбаи ва мавзуни аниқ тасаввур этиши, унинг салмоқли мағзини олиб таҳлил этиши лозим.

3

Юқоридаги парча Президентимизнинг ер ислоҳоти, ерга муносабат ва эгалик қилишга оид билдирган фикрининг мағзини ташкил қилади. Шу боис, муаллифларнинг бу ҳақда рисоладаги тавсия ва шарҳлари, фикрлари И. Каримовнинг президент сифатидаги қарашларини ўқувчига атрофлича ва чуқур етказа олган. Президентнинг ерга оид, қишлоқ хўжалигига доир қарашларининг ягона силсиладалиги, қатъийлигини куни-кеча Андижон пахтакорларининг чигитни плёнка остига экиб, вақтли ҳосил етиштирганликлари, унумдорликни, иқтисодий самарани оширганликларидан қувонгани, Наманган вилоятининг айрим туманларида йўл қўйилган камчиликлардан изтироб чеккани лавҳаларидан ҳам кўрамиз. Демак, рисолада муаллифлар мавзу танлаш, уни замон билан ҳамнафас шарҳлашда юксак методик лаёқат зоҳир этганлар.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда яратилган ҳар қандай асар, хоҳ у бадиий, хоҳ публицистик ва хоҳ илмий-методик бўлмасин, бизнинг ўтмиш қадриятларимиз, маънавиятимиз, ўзлигимиз билан боғлиқ бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Китобнинг «Тарих дарсларида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридан фойдаланиш» боби ҳам бўлиб, бундай ёндашиш И. Каримовнинг мазкур асарига янгича қараш, аниқроғи, Президент асарларидан кенг миқёсда фойдаланишнинг янги услубиётиметодидир. «Ўзбекистон тарихи» ўқув фанининг кириш, ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб «миллий истиқлол даври» (1991-1995 йиллар) заминида муносиб иқтибослар, аниқ далиллар олиниб, кенг қамровли маслаҳатлар берилган.

Халқ таълими фидойилари Ш. Каримов ва И. Турсуновларнинг мазкур методик маслаҳатлар рисоласининг чоп этилиши қутлуғ қадам ва маънавий ташналигимизни қондиришга кўмаклашувчи манбалигини яна бир карра таъкидлаб, қуйидаги айрим мулоҳазаларимизни ҳам билдиришни лозим топдик:

1. Муаллифлар рисоладан фойдаланиш доирасини «умумтаълим ва янги турдаги мактаблар ўқитувчилари учун методик маслаҳатлар» деб сунъий равишда торайтирганлар. Рисола шу ҳолида ҳам ўрта махсус, олий ўқув юртларининг умумтаълим босқичида ҳам фойдаланишга яроқлидир.

2. Ҳозирги пайтда республикамиздаги ўрта умумтаълим мактабларида таълим асосан 7 тилда олиб борилмоқда. Президент И. Каримовнинг юқоридаги асарида миллий биродарлик, том маънодаги байналмилалчилик ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон» нашриёти ўрта умумтаълим мактаблари учун 12 номдаги дарсликларни қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, рус, қорақалпоқ тилларида нашр этмоқда. Ш. Каримов ва И. Турсуновнинг мазкур қўлланмаси фақат ўзбек тилида бўлиб, республикада бошқа тилларда таълим олаётган ўқувчи, ўқитувчилар учун «қўл етмас» бўлиб қолмаслиги лозим. Шу боис, бу қўлланма айрим тўлдириш ва миллий ўзига хосликни инобатга олинган ҳолда зудлик билан бошқа тилларда ҳам нашр этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Рисоланинг кейинги қайта нашрига умид билдириб, унда мамлакатимизда чин маънода байналмилалчиликнинг мавжудлиги, бу жиҳат собиқ Иттифоқдаги «интернационализм»дан тубдан фарқ қилгани ва бу И. Каримовнинг юқоридаги асарида, барча маърузаларида зикр этилганини инобатга олиб, кенгроқ ўрин берилса. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш мезонларининг қирралари (ҳаётий мисоллар билан), аҳолининг кам таъминланган табақасига ижтимоий-иқтисодий кўмакнинг турлари ва кенг қамрови ҳамда бошқа масалалар таҳлилига батафсилроқ ёндошилса, қўлланмага таҳлил мавзуига мос ҳолда қарорлар, меъёрий ҳужжатлар, вақтли матбуот материалларидан илова тарзида мисол ва рақамлар киритилса нур устига аъло нур, ўқитувчининг дарсни янада мазмунли ва жонли олиб боришига ва шундай далилларни маҳаллий манбалардан тез ва осон қидириб топишига йўл кўрсатган бўлур эди.

4. Муаллифларнинг бу заҳматли ва арзигулик ташаббусларини Президентнинг фақатгина мазкур китоби заминида эмас, балки яқиндагина ўзбек ва рус тилларида нашр этилган 4 жилдлик асарлари асосида ҳам турли даражадаги таълим муассасаларида самарали фойдаланиш учун методик рисолалар яратишлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош консультанти.

4

Ўзбек феъли

БЕГОНА СУТ ЭММАГАНЛАР

Улар ота-оналаридан ҳар куни хабар олишади. Бу сўзлар жуда оддий туюлар, лекин замирида инсон қаддини тик тутиб турадиган, юрагини бутун сақлайдиган бир улуғ куч бор. Меҳр-оқибат, соғлиққа малҳам бўлгувчи, умрга умр қўшгувчи шифобахш эзгулик мужассам. Айниқса, ҳозирги мураккаб кунларда...

— Айниқса, кексаликда билинади, — дейман суҳбатдошим Иброҳимжонга. — Бола-чақалик бўлиб кетган ўғил-қизини ҳам бир-икки кун кўрмаса ё бирон ҳафта улардан хабар топмаса «Тинчмикан, тани-жони соғмикан?» деб егани ичига тушмайди. Йўлига кўз тикиб ранги сарғаяди.

— Бизнинг оилада бундай гапларга ўрин йўқ, — дейди Иброҳимжон юзидан нур ёғилиб. — Масалан, мен аям билан дадамни ҳар куни бир бориб кўрмасам — кўнглим жойига тушмайди.

— Ишдан чарча-аб чиққан бўлсангиз-чи?

— Барибир! — қатъий сўзлайди йигит. — Ота-онанинг кўнглини олиш учун чарчадим, дейиш гуноҳ. Ахир ота-оналарни топиб бўладими? Энди улар бизни эмас, биз уларни ўйлайлик.

Ўтган йили Фарғонада «Намунали оила» кўрик-танлови бўлди. Ўшанда олтиариқлик Қамбарали ота ва Ҳидоят ая Муйдиновлар оиласи ғолиб бўлишди. Совғалар билан тақдирланишди. Иброҳимжон эса шу оиланинг бош фарзанди.

Оддий деҳқон оиласи, озода, саранжом-саришта ҳовли.

52 йилдан бери бирга яшаб, қўша қариган, ували-жували отахону онахон билан мириқиб суҳбатлашаман:

— Бир умр деҳқончилик қилдим, қизим, — Қамбарали ота соддагина ҳикоясини бошлайди. — Колхоз даласида ишладим. Ота-онамиз ҳам деҳқон ўтганлар. Қирқ тўртинчи йилдан эллигинчи йилгача Курил ороллари-да ҳарбий хизматда бўлганман. Ўшанда мана шу аянгиз келинчак қолганди. Олти йил қайнота-қайнонасининг измида дала-ю уйни билиб, мени кутган.

Отанинг имо-ишорасию сўзларидан умр йўлдошига бўлган чексиз меҳри сезилиб туради. Оппоқ румолининг учларини елкасига ташлаган, ҳамон қора қош, қора кўз, нозиккина Ҳидоят ая мақтовдан сўнг анча фаоллашади.

— Ҳа-я ўшанда ақалли бир кун ота-онамникига бориб, етиб қолмапман-а. Қайнона аям билан она-боладек етиб турардик. Гоҳ-гоҳ бирга уйимизга ўзлари олиб бориб, яна бирга олиб келардилар. Қачон ош дамласак, бу кишига атаб, олдидан икки дона гуручни олиб, болагинамнинг насибаси дердилар. Кейин конвертга солиб, хатга қўшиб жўнатардик. Бориб етгандами-а?

Ҳаммамиз Қамбарали отага қараймиз. У киши ҳаяжон билан сўз бошлайди.

— Ҳа, ўша гуруч доналари етиб борарди. Оғзимга солиб шимиб, палов таъмини ҳис қилардим. Уйимизни, Фарғонамизни соғинардим.

— Аямни соғинардингиз... — Валижоннинг гапидан енгил қулгу кўтарилади. Ҳидоят ая оқ румолини пешонасига тушириб, кўзларини яширади.

— Нимасини айтасиз? — Ҳидоят ая суҳбатни давом эттиради. — Темир тиндоғлаб, очин-тўқинга чидаб катта қилганмиз шу болаларди. Тиллога қизиқмадик. Ноннинг увоғини ҳам хор қилмадик. Шукр, болаларимиз эсли-хушли, уйли-жойли, касб-корли, обрули. Илойим ўзларидан тинишсин, ўзларидан кўпайишсин.

— Энди ота... турмуш масаласи мураккаб, аям билан ярим асрдан ортиқ бирга яшаб, гоҳо санманга борган вақтларингиз бўлгандир-а?

Қамбарали ота бироз ўйлаб, кейин жавоб берадилар.

— Аёлнинг жаҳли чиққанда эр ўзини тутиши керак. Ё аксинча. Бизда шундай. Ҳеч болаларнинг олдида санманга бормаганмиз. Чигал иш чиқиб қолса — ичкари уйга кириб, гаплашиб оламиз. Овозимизни булар эшитишмайди. Аммо мана ўзлари айтишсин, на болаларни, на аясини ҳаётимда чертмаганман. Ичмадим, чекмадим, шу болаларнинг кўзи тушмасин, деб. Ҳатто ҳарбий хизматда ҳам чекишга ўрганмадим. Худога шукр, болалар ҳам ўзимизга тортди.

Ҳадемай, Ҳидоят ая иккавимиз қолиб, дилдилдан суҳбатлашамиз.

— Болаларимнинг ҳаммаси уйда, доябуви ёрдамида туғилган, — дейди ая, — бегона сут эммаган. Ҳалқуми тоза! То бир ёшгача ҳар куни чўмилтирар эдим. Шомда бешикка белаб, эрта билан нонуштадан сўнг ечиб олардим. Биронтасини касал қилмай, шифохоналарда олиб етмай, катта қилдим. Гоҳо хиёл иссиғи чиқиб қолса, тол баргининг устига чойшаб ёпиб, болани ётқизардим. Тамом, беш-ўн дақиқада яхши бўлиб қолишарди. Дори ичирмаганман. Болалик пайтларимда ҳатто қўшниникига ҳам олиб чиқмаганман.

Ҳидоят аянинг сўзларига ташналик билан қулоқ соламан. Бақувват, соғлом, баркамол фарзандларни вояга етказишнинг сирлари ҳақида ўйлайман.

Ҳа, ҳалол нон еб, ҳалол сут ичиб, она халқимизнинг қадимий анъаналарига риоя қилиб яшашда ҳикмат кўп.

Санъат МАҲМУДОВА.

Хорижда

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

• Япония Бош вазири Ротаро Ҳашимотонинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи ниҳоясига етди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида қатнашиш учун келган Япония Бош вазири АҚШ Президенти Билл Клинтон билан ҳам учрашди. Маълумки, Японияннинг Окинава оролидаги Америка ҳарбий базалари масаласи икки давлат муносабатларидаги бош мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Учрашувда Ҳашимото ушбу ҳарбий базалар майдонини қисқартириш таклифини билдирди.

ЧИҚИНДИЛАРНИ КИМ ҚАБУЛ ҚИЛАРКИН?

• Тайван ҳукумати мамлакатдаги радиоактив чиқиндиларни қабул қилишга розилик берадиган мамлакатни қидирмоқда. Ушбу орол давлатда бугунги кунда учта атом электр станцияси тўхтовсиз ишлаб турибди. Натижада мавжуд махсус омборлар заҳарли чиқитларга тўлиб кетган. Тайван ҳукумати атом чиқитларини Хитой, Маршалл ороллари ёки Россияда сақлашни кўзда тутаётир.

АҚШ НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

• Ўтган ҳафта Беларусь Президенти Александр Лукашенко телевидение орқали баёнот бериб, Ғарб давлатларини мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштиришда айблади. У кўплаб давлатлар, жумладан, Американинг Беларусдаги элчихонасига ҳам шундай айб қўйган эди. Шу муносабат билан Америка Қўшма Штатлари кескин норозилик билдирди ва Беларусь ҳукуматидан ушбу айбловга доир тегишли изоҳ беришни талаб қилди.

НОЧОРЛАР ТАШВИШГА ТУШДИ

• Кейинги пайтда Американинг хайрия жамғармалари томонидан Россияга берилаётган инсонпарварлик ёрдами кескин камайди. Бу албатта, Россия аҳолисининг ўта ночор аҳволда қолган қисмини ташвишлантираётир. Россия армияни қутқариш жамоатчилик ҳаракати президенти Николай Нумеров АҚШ давлат департаменти ва конгресси вакиллари билан шу масалада музокаралар ўтказмоқда.

Агарда, мазкур музокаралар муваффақият билан якунланса, Николай Нумеров россиялик ночорлар учун бутун Америка бўйлаб хайр-эҳсон йиғишни бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги вазирнинг биринчи ўринбосари **Владимир Александрович КРАВЧЕНКО**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири Оқилжон Обидович Обидовга қизи **Наргиза РУСТАМОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Яқинда Бухоро шаҳрида тўрт юлдузли "Бухоро" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. СУРАТДА: меҳмонхона кўриниши.

Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган сурат.

Тафаккур чорраҳаси

АРОСАТ БОЛАЛАРИ

Ҳар куни шу йўлдан юраман. Бекатга кесиб чиқаман, қисқа йўл шу. Аслида унинг бошқа йўллардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Қабристонни қоқ иккига бўлган йўл. Хаёл тизгинини бўш қўйиб юборолмайсиз.

Мабодо, зиёратга йўлингиз тушиб кириб ўтсангиз руҳингизни маҳзун бир кайфият чулғаб олиши табиий. Сўнг юрак бўшаб, енгил тортасиз. Лекин бу одатий тус олса, кўнгилда ҳеч қандай ҳаяжон кечмайди. Қабр оралаш ҳам одатий ҳолат бўладими? Бўлади. Ахир манзилга элтувчи йўл бўлса, нега одатий тусга кирмасин. Ҳаётда икки ҳолатда фалаж кайфиятга тушиб қоласиз. Тасаввур этинг-а, хурсандчилик онларида фарёд чекиб йиғлаётган одамни. Жим-жит гўристонда эшитилган кулгуни... Бундай воқеани кўп кузатганман. Шу кетишимда беғубор гўдак кулгуси эшитилади. Чўчиб десам тўғри бўлмас, ажабланганим ҳам йўқ бундан. Мозор ичида 2 нафар болакайга кўзим тушди. Онаси етаклаган. Иш куни, ҳар кунги йўллари. Болалар боғчага чопиб кетишди. Ҳа, улар боғча болалари. Мозор-боғча болалари. Ажабландингиз-а.

Боткин қабристони. Мозор-боғча Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли 273-болалар боғчаси. Баъзида улар қабристонда юришади. Балки улар айнан шу боғчага қатнамас. Гап ундамас. Бола — бола-да. Улар ўйинга майдон танлашмайди. Мозор ҳам оддийгина жой, ўйингоҳда уларга. Боғча билан мозорни бетон девор ажратади, холос. Боғча ҳовлиси билан туташ қабрлар. Тўсиқ бор ўртада. Бетон деворнинг бу ёғида шодон болалар қийқиради, у ёғида мангу сукут оғушида ётган инсонлар ётибди. Ота-оналар Боткин қабристонини айланиб ўтишга баъзан эринишади. Мозор ичидаги «сўқмоқ»лардан бемалол фарзандларини етаклаб келаверишади. Сизга ғайриоддий бўлиб туюлаётгандир. Шунчаки йўл, оддийгина боғча, оддий болалар, оталар... оналар.

Ҳаммаси оддий. Лоқайдмиз. Манзилга етсак бўлди. Бу дунёда мен бир йўловчи. Сиз ҳам. У ҳам. Кимдир бу манзилга биздан илгарироқ етиб борган. Асли бу манзил дунёнинг сўнгги бекати. Сўнгги бекат йўловчисининг руҳи эса биз билан. Руҳларни безовталаб, шак келтириб, қабристон сокинлигини бузиб шу йўлдан бораверамиз. Шуларни ўйлаб ҳадик билан ортга қарайман. Кимдир келяпти, шошиб яна бири... Бир мен эмас. Йўлнинг йўловчиси. Балки улар ўткинчидир. Мен-чи, йўловчи. Бугун шуни ўйлаб кўрдим. Лекин шошиляпман.

Кечикаман. Булар лирик чекиниш эмас асли. Аввал ҳам дилимдан кечган шу ўй.

Бунга ярим йил бўлди чамаси. Мозор-боғчага кирувдим. Боғча мудираси Донохон Ғуломова билан анча суҳбатлашгандик. Мудира янги бинога кўчиш учун саъй-ҳаракатда. Ҳашаматли Паркент бозорининг шундоқ биқинида янги боғча биноси қуриляпти. 4-5 йилдан буён «қурилади». Бошланган-у ташланган «янги бино» ўйин майдончаси ахлатхонага айланган. Боғчанинг бетон девори кўтарилгану, ташлаб кетилган. Одамлар бозорга босиб ўтади уни. Мен ҳам ўтаман. Ташвишланмаймиз.

Тушунамиз бозор иқтисоди. Боғча қуришга маблағ йўқ. Лекин ёнимиздаги бозор бир йилда қурилди. Яна кенгайяпти. Яхши яшашимизга хизмат қилади. Лекин эртага бозорни шу ташландиқ боғча болалари тебратмайдими?

Ўйлаймизми шу ҳақда?! Бизнинг ишимиз эмас. Кетаверамиз бурилиб. Бир куни 16-автобусда ҳайдовчи ғалати эълон айтди: «Мозор-боғчага борми тушувчи?» «Бор, бор тўхтанг» деди тушувчилар. Бола етаклаган ота-оналар тушиб қолишди. Ортидан кимдир «мозор болалари экан-да булар» деб қолди. Биров кулди. Биров ўйланди. Яна бири эътибор ҳам қилмади.

На миллат, на мазҳабимиздан қатъи назар мозор муқаддас. Фақат биз асрдан ортиқ яшаган эътиқодсизлик тамал тошига қурилган мафкура болаларимиз. Лекин тафаккуримизда ҳалиям нуқсон бор. Биз аросат болаларимиз. Ўлик билан тирик ёнма-ён яшаса, шундай ҳолат аросат эмасми?

Бугун яна шу йўлдан —мозор кўчадан боряпман. Бурилиб яна боғчага кирдим. Афсус Донохонни учрата олмадим. Боғча ҳамшираси Шоҳиста Мамарўзиева, тарбиячилар билан суҳбатлашдик. «Янаги йили, 1997 йилга режалашган янги биномиз битиб қолади...» дейишди улар умид билан. Битсин. Боғчадан чиқдим. Бироз юрдим, тўхтаб қолдим.

Мозор ёняпти. Йўл чеккасидаги қабрдан бурқисиб тутун чиқяпти. Кимдир хазонга ўт қўйган чамамда. Назаримда тутун эмас, аланга. Шу алангада инсон руҳига ҳурматимиз ёняпти. Эътиқодимиз куйяпти.

Бошқа юролмадим...

Тўсатдан қаршимдаги муюлишга рўпарў келдим. Олдимдаги йўловчи таққа тўхтади. Ортига қайтиб кетди. Ҳаётда чорраҳалар кўп. Тўхтадим. Чорраҳа. Тафаккур чорраҳасига етдим. Яна ортимга, муюлишга қарайман. Йўловчи кўринди. Кетаверди йўлида. Чорраҳада туриб қолдим. Ҳадеганда мозор кўча бошида одам қораси кўринмайди.

Айланиб ўтаман. Кўча бўшаб қолсин...

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Хорижда

РОСС ПЕРО СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

• Техаслик миллиардер, Америка Президентлигига «Ислоҳотлар партияси»дан номзоди қўйилган Росс Перо судга мурожаат қилиб, ўз номзодлик ҳуқуқини ҳимоя этишни сўради. Ўтган ҳафта президентликка икки номзод — Билл Клинтон ва собиқ сенатор Роберт Доул уни телевидениеда бўладиган баҳсларга қўшмасликка қарор қилган эдилар. Росс Перо федерал ҳукуматдан телевидение орқали ўз дастурини баён этишга имконият яратиб беришни талаб этаётир.

ВАЗИЯТНИ ЧИГАЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТ

• Покистон Бош вазири Беназир Бхутто акаси Муртазо Бхуттонинг ўлдирилиши махсус уюштирилгани ва мамлакатдаги вазиятни чигаллаштириш учун амалга оширилганини айтди. Муртазо Бхутто 20 сентябрь куни полиция билан юз берган тасодифий отишмада ҳалок бўлган эди. У кейинги йилларда синглиси Беназир Бхуттонинг энг асосий сиёсий мухолифларидан бири ҳисобланарди.

УНИВЕРМАГДА ҲАМ САВДОЛАШИЛМОКДА

• Савдолашиш фақат Шарқ бозорларига хос деган гап анча эскириб қолди, шекилли. Чунки, бозор иқтисодиёти ҳаётимизга кўплаб янги ўзгаришлар киритишда давом этмоқда. Самарадаги марказий универмагда янги савдо тартиби жорий этилди. Энди харидорлар универмагда ҳам сотувчи билан бемалол савдолашиш имкониятига эга бўлди. Сотувчи ёрликда кўрсатилган нархни 10 фоизгача тушириши мумкин. Бунда албатта, маҳсулотнинг бежиримлиги, муддати ва ранги, хуллас, харидоргирлиги ҳисобга олинади.

Спорт

ҲАВАСКОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Андижондаги «Андижон» теннис клуби кортларида «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ва вилоят спорт қўмитаси совринлари учун ўтказилган очиқ мусобақа ниҳоясига етди.

Бу ерда уч ой муқаддам илк бор «Ибрат» теннис мусобақаси бўлиб ўтган, унда вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари раҳбарлари беллашган эди. Кейинчалик вилоят халқ таълими тизими раҳбарлари ўртасида ҳам «Ўрнак» теннис мусобақаси ўтказилди.

Мазкур мусобақада эса ёши, касби ва жинсидан қатъи назар, катта теннис билан қизиқадиган кўпчилик қатнашди. Шу сабабли мусобақа иштирокчиларининг сони 200 нафарга етди.

Мусобақа иштирокчилари бир неча гуруҳга бўлиниб, бир ҳафта мобайнида голиблик учун ўзаро қизғин кураш олиб борди. Эркаклар ўртасида «Зангори олов» фирмаси директори ўринбосари Алексей Арисов, аёллар ўртасида эса, Андижон педагогика институти талабаси Марҳабо Болтабоева ғолиб чиқди.

СП «ИНМАРК»
предлагает:
- кафель-евростандарт
- сантехника
- ванны обычные и с гидромассажом
- двери и окна деревянные со стеклом
- кухонные и ванные гарнитуры



г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 78.
Тел: (3712) 44-81-92, 44-81-93, 44-09-24
Факс: 89-16-48

БУ - ОСОН - ҚУЛАЙ - ФОЙДАЛИ !

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг "ОСИЁ БОЗОРИ" иқтисодий-ахборот, реклама иловаси маркетинг ва реклама соҳасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлган ҳамюртларимизни шартнома асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 33-79-14, 33-54-55.

СП «ИНМАРК»
продает высококачественную мужскую обуви производства Турции.
Цены конкурентноспособные.
г. Ташкент, ул. А. Кадыри. 78.
Тел: (3712) 44-81-93, 44-81-92.

УАЗ
"ОСИЁ-ВОЛГА"
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни:

УАЗ-31514-032 *УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012 *УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031 *УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027 *УАЗ-2206*

ва уларнинг эҳтиёт қисмларини СОТАДИ.



Шошилинг, нархлари энг арзон!

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А.
Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

Ишхонадан чиқмай реклама бериш.

"BVV" ахборот-реклама фирмасидан Ўзбекистоннинг ҳамма газеталарига, шунингдек МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари газеталарида.

Бизнинг пейджерлар: (067) 464 ёки 5109.

Ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарлари, хусусий фирма соҳиблари ҳамда пойтахтимиз фуқаролари

ДИҚҚАТИГА!

Сиз давлат мулкини, жамоа ва шахсий бойликларингизни кўз қорачиғидек асрашни, турли содир этилиши эҳтимоли бўлган жиноятларнинг олдини олишни истасангиз, корхонангиз ҳамда хонадонларингиз ишончли қўлларда бўлишни хоҳласангиз Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасига мурожаат қилинг!

Жорий йилнинг саккиз ойлик натижаларига кўра, ходимларимиз томонидан 382 та жиноят фош этилди. Шунинг натижасида халқимизнинг милицияга бўлган ишончи кундан-кунга ортмоқда. Қўриқлашга қабул қилинган объектлар ва марказлаштирилган қўриқлаш пультларига уланган хонадонлар сони кўпаймоқда. Чунки биз қўриқлашга қабул қилинган ташкилот ва хонадонлар учун

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ!

Ҳамшаҳарлар, вақтни қўлдан бой берманг. Биз Сизларнинг осойишталигингизни таъминлашга, ноёк кимсалар йўлига ғов бўлишга астойдил

ХИЗМАТДАМИЗ

Биз билан шартнома тузиб, ҳеч қачон ютқазмайсиз.
Манзилимиз: Миробод тумани, Клара Цеткин кўчаси, 58.
Телефонлар: 55-73-08, 56-62-88, 56-51-88, 56-60-55.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0492

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА